Аҳоли ўртасида ис газидан заҳарланишни олдини олиш чоралари кўрилмоқда.

Об-ҳаво ҳароратининг пасайиб бориши натижасида газ ва бошқа турдаги муқобил ёқилғи иситиш мосламаларидан фойдаланишга бўлган эҳтиёж ортиб боради. Бундай пайтларда иситиш мосламаларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлиши ҳамда инсонлар ис газидан заҳарланиши мумкин.

Аҳоли ўртасида ис газидан заҳарланиш, газ-ҳаво аралашмасининг чақнаши ва ёнғинлар билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан Данғара тумани ҳокимлигида туман ташкилотлари рахбарларига туман Фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи И.Махмудов томонидан кўрсатмалар берилди.

Шунингдек ушбу йиғилишда туман ҳокими Ш.Тожихакимов иштирок этиб мутассадди ташкилот рахбарларига мактаб, мактабгача таълим ва тиббиёт муассасаларида ёнғинга қарши профилактика ишларини ўтказиш, уларнинг тайёргарлик жараёнларини янада кучайтириш чораларини кўриш бўйича топшириқларни бериб ўтди.

2021-01-08 16:05:11